

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ПОРАХЎРЛИК
ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАШ**

Бердиев Сурур Кахрамонович

Ўзбекистон Республикаси

Криминология тадқиқот

институту мустақил

изланувчиси

Аннотация

Ушбу мақола тадқиқотчининг “Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрликка қарши курашишнинг жинойий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқоти асосида тайёрланган.

Мазкур мақолада муаллиф жиноят қонунчилигида ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий зарурияти ҳақида батафсил тушунтириш берган.

Ушбу мақола билан Ўзбекистон Республикаси, хорижий ва халқаро тажрибани таҳлил қилиб, қабул қилинаётган қонунчилик талаблари, вужудга келаётган глобал ўзгаришлар асосида ижтимоий зарурият туғилганлиги боис, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлар учун жинойий жавобгарлик белгилаб қўйиш зарурлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: жиноят, порахўрлик, ахборот-коммуникация технологиялари, объект, субъект, объектив томон, субъектив томон, жиноят тамом бўлиш вақти, жиноят предмети, жиноят воситаси, коррупция, киберкоррупция, концепция.

Аннотация

Данная статья подготовлена на основе исследования автора на тему «Совершенствование уголовно-правовых мер борьбы с коррупцией, совершаемой с использованием информационно-коммуникационных технологий».

В данной статье автор подробно разъясняет социальную необходимость установления ответственности в уголовном законодательстве за преступления взяточничества, совершаемые с использованием информационно-коммуникационных технологий.

В статье, проанализировав опыт Республики Узбекистан, зарубежный и международный опыт, а также принимаемые требования законодательства и происходящие глобальные изменения, автор подчеркивает необходимость установления уголовной ответственности за преступления взяточничества, совершаемые с использованием информационно-коммуникационных технологий, в связи с возникшей социальной необходимостью.

Ключевые слова: преступление, взяточничество, информационно-коммуникационные технологии, объект, субъект, объективная сторона, субъективная сторона, момент окончания преступления, предмет преступления, средство совершения преступления, коррупция, киберкоррупция, концепция.

Annotation

This article was prepared based on the author's research on the topic "Improvement of criminal-legal measures to combat bribery committed using information and communication technologies."

In this article, the author provides a detailed explanation of the social necessity of establishing liability in criminal legislation for bribery crimes committed using information and communication technologies.

In the article, having analyzed the experience of the Republic of Uzbekistan, as well as foreign and international experience, and taking into account the adopted legislative requirements and emerging global changes, the author emphasizes the need to establish criminal liability for bribery crimes committed using information and communication technologies due to the arising social necessity.

Keywords: crime, bribery, information and communication technologies, object, subject, objective side, subjective side, moment of completion of a crime, предмет преступления, means of committing a crime, corruption, cybercorruption, concept.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожига туфайли бу технологиялардан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларнинг сони ва камров даражаси ҳам ошмоқда, шундай жиноятлардан бири ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жиноятлари саналади.

Фикримизча, жиноят қонунчилигида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик белгиланиши ижтимоий зарурияти куйидагилардир:

Биринчидан, 2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида Давлат раҳбари томонидан Киберкоррупцияга қарши курашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий базани яратиш¹ бўйича топшириқ берилиб, алоҳида қонунчилик ҳужжати² билан

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/7924>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир

аниқ вазифалар белгилаб олинди. Айнан мазкур вазифаларнинг аниқ ва тўлиқ бажарилиши орқали ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган жиноятларнинг, шу жумладан, порахўрлик жиноятларининг жинойй-ҳуқуқий жиҳатларига оид муҳим хусусиятларни инобатга олиб, амалдаги жиноят қонунчилигимзда бу турдаги жиноятлар учун жинойй жавобгарликни белгилаш зарурияти мавжуд;

Иккинчидан, кибержиноятларнинг қарийб 90 фоизи латент жиноят саналади³ ва бу эса, аниқ жавобгарликни белгиламасдан туриб, қайси кибержиноятлар билан курашиш кераклиги юзасидан муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ҳозирда **Ўзбекистон қонунчилигида порахўрлик жиноятларининг кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ва ундан фойдаланиб содир этилганлиги ёки ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилганлиги бўйича аниқ жавобгарлик мавжуд эмас** ва бу эса, ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ходимлари томонидан қайси порахўрлик қилмишига оид киберхавфсизлик ҳодисаси вужудга келганда уни Жинойт кодекси талабига асосан, қайси тергов органларига юбориш ва уларнинг кибержиноят эканлигига аниқлик киритиш кераклигини олдиндан билиш зарурияти мавжуд.

Жинойт кодексининг 4-моддасига асосан, содир этилган қилмишнинг жиноййлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари **фақат Жинойт кодекси билан белгиланади**. Бирок, бу кодекснинг ўзида «кибержиноят», «ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари» тушунчаларининг таърифи Жинойт кодексининг VIII бўлимда назарда

чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³ Ф. Джураев. Кибержиноятлар тушунчаси, белгилари ва шахсий изкуварлик маҳорати орқали уларни олдини олиш ва фош этилишининг аҳамияти ҳақида айрим мулоҳазалар. – Т.: CARJIS. 2022. №3. – 228 б.

тутилмаган ва бу эса, ўз навбатида содир этилаётган киберхавф-хатарлар ва ҳодисаларнинг аниқ чегарасини қонунчилигида аниқ жавобгарликни белгилаш орқали аниқлаш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси⁴нинг 2-моддасига асосан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, деб акс эттирилган. Айнан мана шу масъулият тўлиқ таъминланиши порахўрлик жиноятлари Республикамизда содир этилмаслигини ва унинг учун жиноий жавобгарлик муқаррарлигини кўрсатади. Шу сабабдан ҳам ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун ушбу соҳада алоҳида жавобгарликни белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўртинчидан, порахўрлик жиноятларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ўтган вақт давомида порахўрлик жинояти динамикаси ўсиб бормоқда, жумладан, 2019-2024 йилларда Жиноят кодексининг 210-моддасига асосан, пора олиш жинояти **52,8 баробарга**, Жиноят кодексининг 211-моддасига асосан, пора бериш жинояти **43,6 баробарга** кўтарилган, шундан, биргина 2024 йилда пора олиш жиноятининг **7 та** ҳолатида пора предмети электрон тўлов воситаси орқали амалга оширилган, криптоактивлар билан боғлиқ жараёнлар мураккаб ва исботлаш вақт талаб этганлиги ҳамда бу ҳолат жиноятнинг квалификациясига ва жазони қўллашга таъсир этмаслиги оқибатида бу борада бирон бир тергов ҳаракати ўтказилмаган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қиёсий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, Жиноят кодексининг 168-моддасининг учинчи қисми «г»-

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бандида ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва бунда, фирибгарликнинг Жиноят кодексининг ХХ¹-бобида назарда тутилган қилмишлар билан биргаликда содир этган вақтида жиноятлар мажмуи сифатида эмас, балки ягона жиноят сифатида квалификация қилинишига ёрдам бериб келмоқда ва бу билан жиноят қонунчилигининг одиллик принципи ижроси таъминланмоқда.

Шу сабабли порахўрлик жиноятларининг ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиши бўйича алоҳида жиноий жавобгарликни белгилаш жуда зарурдир.

Бешинчидан, Жиноят кодексининг 7-моддасига асосан, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Бироқ, порахўрлик жиноятлари учун қўлланиладиган жазо шу турдаги жиноятларнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиши учун миллий жиноят қонунчилигимизда енгилроқ жазо назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, ушбу Кодекснинг Умумий

қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади⁵.

Мазкур вазиятда, порахўрлик жиноятлари учун қўлланилиган жазо шу турдаги жиноят амалга оширилиши учун амалга оширилган ахборот технологияси соҳасидаги жиноятлар учун узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири, яъни порахўрлик жинояти учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозимлиги сабабли ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун қўлланилаётган жазолар Жиноят кодексининг 7-моддасидаги инсонпарварлик принципи талабига зиддир.

Шу сабабли инсонпарварлик принципи нуқтаи назаридан адолатли жазо қўлланилиши учун ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун алоҳида жиноий жавобгарликни белгилаш зарурдир.

Олтинчидан, статистика шуни кўрсатмоқдаки, 2023 йилда ҳар 39 сонияда, ҳозирда эса, ҳар 14 сонияда битта киберхужум содир этилиб⁶, бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиётига етказилган зарар миқдори 2023 йилда тахминан 8 трлн. долларни ташкил этиб⁷, бу рақам 2024 йилда 9.5 трлн. долларга етган ҳолда⁸, 2025 йилда эса 10.5 трлн. долларга етиши кутилмоқда⁹. Демак, айнан мазкур кенг кўламли зарарнинг олдини олиш учун ҳам етарлича жиноий-ҳуқуқий томондан қонунчиликда ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик муқаррарлигини белгилаш ва уларнинг

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶ <https://www.datensicherheit.de/2024-2025-cyber-attack-companies-14-seconds>.

⁷ <https://www.yeoandyeo.com/resource/cybercrime-to-cost-the-world-8-trillion-in-2023>.

⁸ <https://www.cenlanow.com/business/press-releases/ein-presswire/674883055/cybercrime-damages-to-cost-the-world-9-5-trillion-usd-in-2024/>.

⁹ <https://www.firstcolumn.com/blog/the-global-annual-cost-of-cybercrime-will-break-10-trillion-by-2025>.

ижросини тўла-тўқис бажариш учун зарур ҳаракатлар амалга оширилмоғи даркор;

Еттинчидан, маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили **500** миллиондан ортиқ кибер ҳужумлар уюштирилади. **Ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибермаконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланади.** АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жинойтларнинг 60-65 фоизи киберҳужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда бу турдаги жинойтлар **8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жинойтчиликнинг қарийб 5 фоизига етган**¹⁰. Россия Федерациясининг биргина Москва шаҳрида 2021 йилда 102 060 та, 2022 йилда 105 360 та, Тошкент шаҳрида эса, 2021 йилда 2281 та, 2022 йилда 4332 та кибержинойт содир этилган¹¹ бўлса, ушбу жинойтларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши натижасида ҳозирда расмий равишда ушбу жинойтларнинг статистикаси ички ишлар органлари томонидан тўлиқ ва етарлича очиқланмаяпти. Баъзи манбаларга кўра, 2023 йилнинг ўтган олти ойи давомида ушбу турдаги жинойтлар 2022 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 4 баробарга ошган¹². 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жинойт сони 105 215 тани, 2023 йилда бу кўрсаткич 104 096 тани ташкил этган. Тошкент шаҳрида эса, бу кўрсаткич 2022 йилда 22 791 тани, 2023 йилда 21 728 тани ташкил этган¹³. Демак, биргина 2022 йилда пойтахтда қайд этилган кибержинойтларнинг 19 фоиздан ошикроқ қисмини кибержинойтлар ташкил этмоқда. Агарда рақамлаштириш жадаллашаётганлигини ва бу порахўрлик жинойтлари кўринишида содир этилаётганлигини ҳисобга олак, бу рақамлар тез орада

¹⁰ Ф. Худойкулов. Бир йилда 500 миллиондан ортиқ кибер ҳужумлар уюштирилади. <https://yuz.uz/news/bir-yilda-500-milliondan-ortiq-kiber-hujumlar-uyushtiriladi>.

¹¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2023/02/21/cyber/>.

¹² О. Дадабаев. Киберхавфсизликни таъминлаш давр талаби. – Т.: https://uza.uz/uz/posts/kiberxavfsizlikni-taminlash-davr-talabi_498076.

¹³ https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_800.pdf.

бир неча баробарга ошиб кетиши ва шахс, жамият ва давлат келажаги учун улкан кулфатларни келтириши мумкин.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил

14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига асосан, технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш топширилган¹⁴.

Айнан мазкур топширикни етарлича тўлиқ ижро этиш орқали кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг аниқ тури ва хусусиятига аниқлик киритиб, жиноят қонунчилигимизда аниқ жавобгарликни белгилаш зарур бўлади.

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чоратadbирлар тўғрисида»

2025 йил 30 апрелдаги ПҚ–153-сон қарорига мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасида кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада барча масъул давлат органлари ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда манзилли ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича ваколатли орган этиб сифати масъул давлат органлари, ташкилотлар, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг ҳар

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бирига кибержиноятларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг кибермаданиятини юксалтиришга қаратилган барча зарур чораларни кўриш бўйича қатъий жавобгарлик юклатилди, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари учун ўз кундалик фаолиятини ташкил этишда мижозларининг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шунга кўра, ушбу масъулиятли вазифа тўлиқ ва самарали, тизимли ва кенг қамровли амалга оширилиши учун жиноят қонунчилигимизда нафақат кибержиноятлар учун, балки ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари учун ҳам аниқ жиной жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади.

Ўнинчидан, коррупция ва кибержиноятлар халқаро трансчегаравий жиноятлар саналади, порахўрлик жиноятлари эса, коррупция жиноятларининг ўзаги ҳисобланади ва уларга оид жавобгарликни белгилаш учун халқаро ҳужжатлар ва дунё давлатларининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда бошқа нормативлари билан ўзаро муносабатга кириши заруриятини вужудга келтирмоқда.

Ўн биринчидан, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC) ўзининг концептуал қўлланмаларида криптовалюталарнинг коррупциявий схемалардаги ўрнини алоҳида хавф сифатида белгилаган¹⁵. Шунингдек, Европа Кенгашининг Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (GRECO) баҳолаш раундларида рақамли далилларни тўплаш ва кибермаконда давлат хизматчиларининг рақамли изларини мониторинг қилиш тизимларини яратиш мажбуриятини илгари суради¹⁶. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) эса рақамли коррупция (digital corruption) концепциясини илгари суриб, унда

¹⁵ https://www.unodc.org/documents/corruption/Publications/2020/State_of_Integrity_EN.pdf/

¹⁶ <https://www.coe.int/en/web/greco/documents/general-activity-reports/>

ахборот-коммуникация технологиялари нафақат жинойт воситаси, балки порахўрликни ниқобловчи институционал қалқон эканлигини таъкидлайди¹⁷. Ушбу халқаро концепцияларни миллий қонунчилигимизга мослаштириш орқалигина жинойт қонунчилигимиздаги “киберкоррупция” тушунчасини назарий жиҳатдан тўлиқ шакллантириш ва Давлат раҳбари қўйган вазифа¹⁸ни бажаришимиз мумкин.

Шунга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жинойтлари оид хорижий ва халқаро муносабатларда ўзаро халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш учун зарур даражада ҳаракат қилиш учун ҳам халқаро ва илғор хорижий тажриба асосида жинойт қонунчилигимизда ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жинойтлари учун аниқ жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://president.uz/uz/lists/view/7924>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чоратadbирлар тўғрисида” 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–71-сон Фармони //

¹⁷ <https://www.oecd.org/en/topics/anti-corruption-and-integrity.html/>

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг йиғилишидаги нутқида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги 711–V-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.



lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3. Ф. Джураев. Кибержиноятлар тушунчаси, белгилари ва шахсий изкуварлик маҳорати орқали уларни олдини олиш ва фoш этилишининг аҳамияти ҳақида айрим мулоҳазалар. – Т.: CARJIS. 2022. №3. – 228 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6. <https://www.datensicherheit.de/2024-2025-cyber-attack-companies-14-seconds>.

7. <https://www.yeoandyeo.com/resource/cybercrime-to-cost-the-world-8-trillion-in-2023>.

8. <https://www.cenlanow.com/business/press-releases/einpresswire/674883055/cybercrime-damages-to-cost-the-world-9-5-trillion-usd-in-2024/>.

9. <https://www.firstcolumn.com/blog/the-global-annual-cost-of-cybercrime-will-break-10-trillion-by-2025>.

10. Ф. Худойкулов. Бир йилда 500 миллиондан ортиқ кибер ҳужумлар уюштирилади. <https://yuz.uz/news/bir-yilda-500-milliondan-ortiq-kiber-hujumlar-uyushtiriladi>.

11. <https://www.gazeta.uz/oz/2023/02/21/cyber/>.

12. О. Дадабаев. Киберхавфсизликни таъминлаш давр талаби. – Т.: https://uza.uz/uz/posts/kiberxavfsizlikni-taminlash-davr-talabi_498076.

13. https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_800.pdf.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини





такомиллаштириш концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси
Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

15. https://www.unodc.org/documents/corruption/Publications/2020/State_of_Integrity_EN.pdf/

16. <https://www.coe.int/en/web/greco/documents/general-activity-reports/>

17. <https://www.oecd.org/en/topics/anti-corruption-and-integrity.html/>

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг йиғилишидаги нутқида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги 711–V-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

